

Шарафли ўғри



09:11 / 24.02.2024 4588

Покистонлик шоир ва ёзувчи Мирзо Адиб «Мисбоҳ» деган китобида қуйидагиларни ёзади:

1960-йиллари Деҳлига ишлагани бордим. Кунлардан бирида автобусдан тушиб, чўнтагимни қарасам кимдир мени тунаб кетибди. Ўшанда чўнтагимда 9 рупия ва конвертда меҳрибон онамга ёзган мактубим бор эди, унда: «Ишдан ҳайдалдим, бу ой одатда юборадиган 50 рупияни юборолмайман...», деб ёзгандим. Хатни кейинроқ, қўлимга пул тушса юбораман деган умидда уч кундан бери чўнтагимда сақлаб юргандим. Мендан ўғирланган 9 рупия арзимас пул бўлишига қарамай, ишдан қувилган, пули ўғирланган одамга 9000 рупиядек эди.

Бир неча кундан кейин онамдан хат келди. Ҳар доим юборадиган пулни

сўраб ёзган бўлсалар керак дея қалбимга хавотир оралади. Лекин хатни ўқиб ҳайратга тушдим. Унда онам менга раҳматлар айтиб, ҳақимга дуолар қилиб, бундай дебди: «Юборган 50 рупия ҳаволанг етиб келди. Болажоним, сен жуда ажойиб инсонсан-да, ишингдан ҳайдашларига қарамай маблағни ҳечам кечиктирмай вақтида юборибсан. Сенга омад ва кенг ризқ сўраб ҳақингга дуо қиламан».

Онамга бу маблағни ким юборди экан, деб бир неча кун ҳайратда юрдим. Кунлар ўтиб қўлимга хунук дастхатда битилган яна бир мактуб келиб тушди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Манзилингни конвертингдан олдим. 9 рупияннга олдин жамғариб қўйган 41 рупиямни қўшиб онангга, хатингдаги манзилга юбордим. Очиғини айтсам, онам ва онанг ҳақида ўйладим. Онангни очликка маҳкум қилиб, сени ва онангни гуноҳига қолмайин дедим. Сенга саломларим бўлсин. Мен сени автобусда тунаб кетган ўғриман, мени кечир».

Баъзан ҳақиқатдан йироқ сохта шиорларни кўтариб олганлардан кўра анча шарафлироқ ўғриларни учратиб қоламиз.

***Арабчадан Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси
«Ҳилол» журналининг 6(51) сонидан***